

ХОЛИС БАҲО

Барно ИСАКОВА

тадқиқотчи

ЎзРФА Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти

Абдулхамид Сулаймон ўғли Юнусов – Чўлпон очеркнавис сифатида ҳам баракали ижод дилди. 1914–1917 бошларда “Баҳор овуллари”, “Ўш”, “Ватаннимиз Туркистонда темир йўллар” асарларида дунёга машҳур Буюк ипак йўлидаги кўрганларини саёхатнома тарзида қоғозга туширди.

Қирғизистонимизнинг Ўш, Ўзган, Жалолобод шаҳарлари бўйлаб, ундаги маданий аҳволни, ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларни қаламга олди. Нафақат қаламга олди, балки ундаги мавжуд муаммоларни, сайёҳлар учун қулай ва ноқулай томонларини ҳам таъкидлаб ўтди. Ўша давр руҳиятини “Ватаннимиз Туркистонда темир йўллар” асарида аск эттирди.

Чўлпон адабий танқид соҳасида “Шўро ҳукумати ва Садои нафиса”, “Адабиёт недур?” каби мазмунли мақолалар ҳам яратган. Шу ўринда Чўлпоннинг адабиёт соҳасида катта бир хизмати таҳсинга лойиқ. Яъни, ҳар бир давр адабиётига баҳо беришда холислик энг керакли мезондир.

Увайсий ижодини ўрганиш ҳам айнан шоир Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Оина» номли журналда эълон қилган Увайсий ҳақидаги мақоласи билан бошланган эди. Ривоятларга асосланиб, Увайсийнинг саройга киришини Чўлпон шундай нақл қилади: “Жаҳонотин асли ўзи марғилонлик бўлган. Умархоннинг ўзи бошлиқ бир неча шоирлар бўлганини (Фазлий, Ҳозик, Адо, Гулханий) уларнинг мушовара қилганларини эшитгандан кейин, ўша шоирлар мажлисига кирмак ҳавасига тушади. Бу мажлисга “Забонингни” деб бошланган ғазалидан мана шу икки йўлни ёзиб, шоирлар мажлисига киритади:

*Мени Лахадқули деб маҳрум этма, эй бозбон,
Азал деҳқони бағрим қонин тўккан бу гулзора.*

Шундан сўнг кампир қиёфасидаги ёш жувонни сарой ичкарилигига киритиб юборадилар”(1, 65–67).

Ваҳоланки, Чўлпондан аввал яшаб, ижод қилган Фазлий Намангонийнинг “Мажмуат уш-шуаро” тазкирасида 63 нафар шоир ва шоираларнинг ижодлари имкон доирасида таҳлил қилинган бўлиб, номаълум сабабларга кўра, Увайсий ҳақида жуда қисқа маълумот берилган. Унда замондош шоираларга яхши муносабат билдирилгани ҳолда, Увайсий ҳақида хасислик ва қандайдир нописандлик билан икки байтдан иборат тавсифнома ёзилган, холос:

*Дигар Вайса ҳам аз гуруҳи нисост,
На монандиМаҳзун фаҳиму расост,*

*Хаёлам ба тавсифу бар нахост -
Аз он рӯки гаҳ каж шуду гоҳ рост (2).*

(Увайсий ҳам хотинлар гуруҳидандир, лекин Маҳзунадек акли расо эмас, хаёл унга тавсиф беришни истамади, шу учун сўз гоҳ эгри бўлди-ю, гоҳ рост)

Аммо бу ижодкорларнинг ҳаммасини ҳам Увайсий кўнглига яқин, унга маслакдош деб бўлмайди. Балки шунинг учун ҳам Увайсийнинг ижодий ютуқларига холис баҳо берилмагандир. Буни Фазлийнинг Маҳзунани кўкларга кўтариб, Увайсийни таъриф у тавсиф қилишни истамаганидан ҳам пайқаш қийин эмас. Қолаверса, шоиранинг аҳли саройга яқинлиги бахтли ҳаёт кечирришга, хотиржам ижод қилишга имкон бергани йўқ. У ғазалларидан бирида айнан ҳукмдорга мурожаат этиб:

*Ғами дилдин кима дей, сан каби гамхор туриб,
Арз этай кимлара ман, шоҳи хабардор туриб, –*

дейди ва ўзининг “мазлуми сиёҳбахт, ғариб”лигини таъкидлаб, муҳтожлигини ошкор айлайди:

*Бева, мазлуми сиёҳбахт, ғарибингдурман,
Ярашур кима мурувват мани бемор туриб.*

*Вайсий фарзандлари чўнг бўлди, тилар тўй кимдин,
Сан киби шоҳи жаҳонгиру жаҳондор туриб.*

Шу кунгача тадқиқотларда, асосан, шоира ҳаёти, у яшаган давр адабий муҳити ўрганилиб, ижодининг ўзига хос жиҳатлари қисман ёритилиб, бадий маҳорати етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Ҳолбуки, Увайсий шеърятда ўз мактабини яратган, дейишга арзирли шоирадир. Жаҳон отин Увайсий наинки Кўқон адабий муҳити, балки ўзбек мумтоз шеърятда ўзига хос мавқега эга. Увайсий ўз шеърларида тасаввуф ҳақиқатларидан ҳам моҳирлик билан фойдаланган санъаткордир. Мазкур ҳақиқатни, яъни Увайсий биргина байти орқали шоҳ саройига кира олганлигини, шоира номи юқорида зикр қилинган шоирлар тан олиб, рухсат беришганлигини Чўлпон ўзининг шу биргина мақоласида ифода этган, холис баҳосини берган.

Яна бир тахмин: Тадқиқотимиз натижаси ўлароқ, биз ҳам 1837 инвентар рақами остидаги девонни кўриб, китоб қалин муқовали, нос рангда эканлигини ва унинг биринчи бетининг ички муқовасига “Ойдин” журналининг 2-бети ёпиштирилганлигига гувоҳ бўлдик. 1970 (18) рақамли журналда “Бўтакўз” рукни остида муаллифи номаълум (балки Чўлпоннинг ўша “Увайсий” номли мақоласидир) бўлган туркий ёзувда “Увайсий” мақоласини ўқидик: “Фарғона шаҳриси: Увайсий 1780 йил Марғилон шаҳрида дунёга келган эди. Тарихий ва адабий манбаълардан олинган маълумотларга кўра, унинг номи Жаҳонхон

бўлиб, Хўқанд хонлиги қаламравида танилган шоир ва муסיқашунос Сиддик бобонинг қизидур.

Онаси Чиннибиби эса замонасининг маърифатпарвар аёли, маҳалла қизларини ўқитгани учун шаҳар машҳурларидан ҳисобланар эди. Саводини онасидан ўрганди, шеърлар машқ қилди.

Акаси Охунжон Ҳофиз устозлик қилган. Охунжон Марғилон шаҳрида донг чиқарган ашулачи ва зиёли киши бўлган. Ана шундай ойдин оилада тарбия топган Жаҳонхон шеър айтиш фанини, дутор, танбур чалишни ўрганиб, Увайсий тахаллуси билан мустақил шеър ёзишга киришди. Классиклар мероси билан таниша бошлади. Алишер Навоий ғазалларига мухаммас боғлади. Ўз шаҳрида машҳур бўлган шоирани Амир Кўқонга таклиф қилади. У ерда шоира ёш қизларга устозлик қила бошлади....”

Мунаққиднинг ноҳолис фикри оқибатида ўқувчи нигоҳидан тузуккина асар ҳам четда қолиши ҳеч гап эмас. Ҳатто ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳам бирор асарнинг камчилиги ҳақида ёзаётганларида “Айбғинаси бор” дея муаллиф кўнглини авайлаб ёзганлар.

Асарга ва унинг муаллифига тўғри баҳо бериш, Чўлпоннинг мақоласида ўз аксини топди. Ва айтиш мумкинки, Увайсий ижодини ўрганиш Чўлпоннинг шу мақоласидан бошланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чўлпон. Адабиёт надир? –Тошкент, 1994.
2. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. –Тошкент, 1970.